





ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

4-сон
2012



ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ илмий журнали

2000 йилдан бошлаб чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан иқтисод фанлари доктори ва иқтисод фанлари номзодлари илмий даражаларини ҳимоя қилишда мақолалари ҳисобга олинган журналлар рўйхатига киритилган

4
2012

ТАЪСИСЧИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Тахририят раиси и.ф.д., проф. Жумаев Н.

Тахрир ҳайъати:

И.ф.д., проф. Ходиев Б., и.ф.д., проф. Бегалов Б. – кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., проф. Абдурахмонов Қ., и.ф.д., проф. Алимов Р., и.ф.д., проф. Ахунова Г., и.ф.н., доц. Ахмедов И. и.ф.д., проф. Бекмуродов А., и.ф.д., проф. Болтабоев М., и.ф.н., доц. Гадоев Э., Академик Ғуломов С., и.ф.д. Далиев А., и.ф.д., проф. Икромов М., и.ф.н. Рахимов С., и.ф.н. Тураев Б., и.ф.н. Фарманов А., и.ф.н. Шайхов А., и.ф.д., проф. Хасанов Б., и.ф.д., проф. Холмўминов Ш., и.ф.н. Ходжаев Б., и.ф.н. Қўчқоров Ж., и.ф.д., проф. Қодиров А., и.ф.д., проф. Эгамбердиев Ф., и.ф.н. Югай А.

Бош муҳаррир и.ф.д., проф. Иватов И.

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университетининг «Иқтисодиёт»
нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва
ахборот бошқармасида 02-0041-рақами
билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-6130

© Иқтисодиёт ва таълим, 2012.

ТОШКЕНТ

Абдусаломов О.	Управление дебиторской задолженностью предприятия на современном этапе экономического развития.....	87
Ибрагимова Д., Тургунбоев У. Насиров И.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори маркетингининг хусусиятлари.....	89
Иватов И., Сайдиқаримова М., Уразбаков А.	Экологизация экономики в условиях рационального управления и использования природных компонентов.....	91
	Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг хизматини бошқариш.....	94

V. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА БАНК

Ахмедов Х.	Банкларда самарали мониторинг – инвестициявий кредит портфели сифатини оширишнинг асосий омиллари.....	97
Меҳмононов С.	Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобияни юриштирнинг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари.....	100
Исаков Ж. Остонокулов А.	Кредит ва унинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ўрни.....	102
Умарходжаева М., Мусабеков У. Мўминова М.	Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисобини юритиш; муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	105
Абдумаликова Д.	Ўзбекистон Республикасида банк пластик карточкаларидан самарали фойдаланиш тизимини ривожлантириш.....	107
Имамов У.	Тижорат банкларида актив операцияларни бошқариш самарадорлигини ошириш.....	110
Маҳкамбоев К., Шодиёва Э.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш (уй-жой мулкдорлари ширкатлари мисолида).....	114
Юсубова А.	Ички истеъмол бозорларини тартибга солишда тадбиркорлик ҳамда банк-молия тизимининг аҳамияти.....	116
Дадабаев Ш.	Рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарида таннархни аниқлаш усулларини такомиллаштириш.....	119
	Тўқимачилик корхоналарида жорий активлар таркибидаги товар-моддий захиралари таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари.....	123
	Хомашё ва материаллар ҳаракати ҳисобини такомиллаштириш.....	126

VI. ТАШҚИ САВДО ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Асқаров Н.	Иқтисодий ҳавфсизликка ёндашув негизида ташқи савдони божхона омиллари асосида бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш.....	129
Гулямова А.	Россия Федерацияси иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион модел концепциялари ва унинг Ўзбекистон учун ўзига хос хусусиятлари.....	132
Абдуллаев А.	Ипотека кредитлаш амалиётини Ўзбекистонда қўллашда илғор хорижий тажрибаларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	135
Турдубеков Б., Кенжекулов И. Жолболдуева Д.	Вопросы внедрения перспективной модели поддержки развития сектора малого и среднего предпринимательства в Республике Кыргызстан.....	138
Эшонкулова Н.	Становление и развитие малого бизнеса и среднего предпринимательства в Республике Кыргызстан.....	141
Бабаразакова Р.	Афғонистон иқтисодиёти тикланишида унинг табиий ресурслари ва транспорт инфратузилмаси роли.....	143
Кулиев Н.	Инқироз шароитида банк-молия тизимини тартибга солишнинг Буюк Британия тажрибаси.....	146
	Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш.....	148

VII. АДАБИЁТЛАРГА ТАҚРИЗ

Иватов И.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредитнинг роли ва унинг самарадорлиги.....	152
Муродов Ч.	Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.....	153
Дусмуратов Р. Салимов Б.	Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили.....	154
Искандеров И.	Қишлоқ хўжалигига инвестиция жиблиб килиш ва унинг самарадорлигини оширишга доир.....	155
	Корея на новом этапе модернизации.....	156
	Муаллифларамиз.....	158

лари" ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиниши керак. Бу, ўз навбатида, бюджет ташкилотларида бухгалтерия объектлари ҳисоби ташкил этилишининг ягоналигини таъминлайди. Шунингдек, бюджетдан молияланадиган ташкилотларни бюджетдан ташқари маблағлар (тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-шартнома шаклидан тушган тушумлар, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар) бўйича даромадлар ва тушумларни ҳисобда акс эттиришнинг аниқ мезонларини белгилаш имкониятини беради.

2. Бюджет ташкилотлари, албатта, ишчи-счётлар режасини "Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" Йўриқнома талабларидан келиб чиқиб, ишчи-счётлар режасини тузиб олиши мақсадга мувофиқ. Бу ишчи-счётлар режасида бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобда акс эттириш учун 15 – Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар; 16 – Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар; 17 – Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар счётлар бўйича алоҳида счётлар киритилади ва нагжида дебитор ва кредиторлар маблағлар манбаларига мос равишда шакллантирилади.

3. Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисоби қўнчилик доирасида юритилишини, шунингдек, маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида ички аудит хизматининг йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бюджет ташкилотларида ички аудит объектив фаолият бўлиб, ички назоратни самарали амалга оширишга йўналтирилган, шунингдек, тузилаётган даромадлар ва харажатлар сметалари, штатлар жадвали ва улар ижросига оид ҳисоботлар кўрсаткичлари ишончлилиги таъминланишига қаратилган ҳаракатдир.

Бизнингча, бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти амалиётини кенгайтириш ва уни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилиши керак. Ички аудит хизмати бюджет ташкилоти бухгалтерия бўлимидан ташқари алоҳида ташкил этилиши ва ҳар чоракда ҳисоб-молия тизимида амалга оширилган муомалалар юритилиши юзасидан ташкилот раҳбарига маълумот шакллантириб туриши, шунингдек, ҳисоб ва ҳисоботларни тузиш юзасидан профессионал хизматлар кўрсатиб бориши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган муаммолар ва уларнинг ечимлари бюджет ташкилотларида маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш имконини беради.

Адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори.*

**Доц. Ғ. Умарходжаева,
тадқ. У. Мусабеков**

Ўзбекистон Республикасида банк пластик карточкаларидан самарали фойдаланиш тизимини ривожлантириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги ислохотлар халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилишига алоҳида эътибор билан қаралаётгани умумий мақсад йўлидаги қадамларимиз тобора салмоқлироқ бўлишига олиб келмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 433 ва республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлан-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-қарорларидир. Уларга мувофиқ рўйхатга киритилган чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектларини банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозлаш ишлари тобора кенг кўлам олмақда.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган объектлар фаолияти устидан мунтазам мониторинг ўтказилмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки доимий равишда Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан биргаликда тижорат банкларининг сўмли банк пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича тўлов тизимида миқозларга хизмат кўрсатиш мақсадида тасдиқланган ягона тарифларга риоя қилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатмоқда.

Демак, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришга барча имкониятлар яратилган. Лекин пластик карточкалардан кенг фойдалана олаётимизми?

Дарҳақиқат, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамон етарли даражада ривожланмаган. Аҳолига сервис хизмати кўрсатишнинг жаҳон стандартларига мос келадиган миқозларни жалб этиш, маҳсулот сотиш ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини ошириш учун шарт-шароит яратадиган пластик карточкалардан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича турли хил дисконт, бонус ва совринли лойиҳаларни жорий этиш борасида етарлича иш олиб борилмаяпти.

Статистика маълумоти шуни кўрсатадики, 2012 йил 1 январь ҳолатида банк карталари воситасида хизмат кўрсатиш билан 23 та тижорат банки шуғулланмоқда. Банк карталари эгаларининг сони 8.276 млн. дан ортиқ. Шундан 99 %ини жисмоний шахслар ташкил қилади, 312 та банкоматлар ва тўлов 99 688 минг терминаллари ўрнатилган. Бунда банк карталари бўйича умумий айланма бир ярим триллион сўмга яқин.

Савдо нуқталари ва хизмат кўрсатиш пунктларида истеъмолчи ҳуқуқларига риоя

қилинишини ўрганиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари орасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, тадбиркорларнинг 95 %ида терминал ўрнатилган. Уларнинг аксарияти банклардан ижара шартларида олинган. Бунда ижара тўлови ойига 10-50 минг сўмни ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, кундалик тушумнинг 15 %дан 85 %игача терминаллар орқали келиб тушади.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, тадбиркорлик субъектлари ва ушбу бозордаги бошқа истеъмолчилар учун қийинчиликларни юзага келтираётган қатор тўсиқ ва муаммолар мавжуд: Бу аввало, қуйидагилар билан боғлиқ:

Биринчидан, асбоб-ускуналар ва хизматлар қийматининг юқорилиги:

➤ барча тижорат банклари пластик карталар, терминаллар, банкоматлар, ахборот киосклари ва дастурий таъминотни фақат битта компаниядан – ягона таъминотчи ҳисобланган SercotecSelect LLC (АҚШ) компаниясидан сотиб олади. Мамлакатларда терминаллар, банкоматлар ва дастурий таъминот нарҳини ўрганиш давомида аниқландики, Россия, Хитой ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган худди шундай асбоб-ускуналар нарҳи SercotecSelect LLC компанияси асбоб-ускуналар нарҳларидан 2-3 баравар арзон;

➤ пластик карталар бирламчи эмиссияси ўтказиш ва процессинг хизматлари бўйича Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЕОПЦ) хизматларига тижорат банклари харажатларининг катталиги алоҳида банклар учун жисмоний шахс бўлган миқозларга банк карталари эмиссияси зиён кўришига олиб келади. Бунда банклараро транзакцияларни амалга оширишда бир хил бўлмаган шароитлар яратилиб, 4 та банкдан (ТИФ МБ, «Халқ банки», «Агробанк», «Асака банк») айланма миқдоридан катъи назар 0,1 %, қолган банклардан эса 0,3 % ундирилади;

➤ айрим тижорат банклари Марказий банк ва МПС «Uzcard» раҳбарияти томонидан миқозларга пластик карталар воситасида хизмат кўрсатиш учун тасдиқланган энг юқори тарифларга амал қилмаяпти. Масалан, агар тасдиқланган тарифга кўра, пул ўтказиш йўли билан карта смети тўлдириш учун фоиз

айланманинг 1 %дан ошмаслиги лозим бўлса, айримлар ушбу тарифни 2 %дан 6 %гача қўлламоқда, шунингдек, корпоратив пластик карталар сечтини тўлдириш учун 1 %дан 6 %гача ҳажмдаги тариф қўлланмоқда, аслида эса бунинг учун тўлов олинмаслиги лозим;

➤ банклар терминаллар ижараси учун олаётган тўлов ҳажми тасдиқланган тарифлардан ортиб кетмоқда, ушбу тариф 20 АҚШ долларидан ошмаслиги керак;

➤ банкоматлар ва терминалларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бозорида рақобат ривожланмаган. Бу бозорда атиги 3 корхона фаолият кўрсатмоқда. Бунда битта корхона ("OsiyoSistemalari" МЧЖ) ушбу бозорнинг қарийб 80 %ини эгаллаган. У хизматлар кўрсатиш учун шартлар ва нархларни мажбуран ўтказиб имкониятига эга. Ушбу корхона Тошкент шаҳрида жойлашганлиги республикамизнинг бошқа минтақаларида жойлашган терминал ва банкоматлар эгалари учун ноқулайликлар тугдирмоқда.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари учун муаммоли масалалар:

➤ айрим тижорат банклари томонидан тадбиркорларнинг терминаллар харид қилиш бўйича муражаатларини кўриб чиқиш муддати узун;

➤ айрим тадбиркорлик субъектлари ўз маблағларига терминал харид қилишларига қарамай, банклар томонидан улардан ушбу терминал учун ижара тўлови олинмоқда;

➤ терминаллар орқали пул маблағларининг тадбиркорлар ҳисобрақамларига келиб тушиш муддати узун. Масалан, бирон-бир ташкилотнинг терминал воситасида келиб тушадиган кундалик тушуми филиал томонидан бир неча кунга чўзиб юборилади;

➤ банк картаси бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда нақд пул бериш учун айрим тижорат банклари томонидан 2-4 % миқдорида комиссия йўғимлар ундирилмоқда. Бу ҳам тадбиркорлар чакана савдо фаолияти юритишига салбий таъсир кўрсатади, сотилаётган маҳсулотлар қимматлашувиغا олиб келади ва ҳ.к.

Учинчидан, истеъмолчилар учун муаммоли масалалар.

Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровларга кўра уларнинг пластик карталар жорий қи-

лишдан норозиликка қуйидагилар сабаби бўлади:

➤ бугунги кунда пластик карталардан орқали кенг фойдаланилмапти: алоқа хизматлари, жамоат транспортида, шунингдек, бир неча хизматлар тўловларни амалга оширишда ҳамон чекловлар мавжуд. Масалан, кўплаб жамоат жойларида ўрнатилган, халқ орасида «PayNet» сифатида машҳур бўлган тўловларни қабул қилиш электрон кассалари фақат нақд пул қабул қилади, таксиларда ҳам терминал ўрнатилмаган. Бу вазият нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш стратегиямизга зид эмасми? Кўпинча аҳоли нақд пул танқислиги сабабли энг зарур хизматлар учун ҳам пул тўлай олмайди;

➤ муаммодан яна бири Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йилда эълон қилинган буйруғи келтириб чиқараётган муаммо. Унга кўра пластик карталар билан тўловларни амалга оширишда шахсни тасдиқлайдиган паспортни тақдим этиш зарур. Масалан, солиқ тўловчидан паспортининг йўқлиги сабабли коммунал хизмат учун тўловни пластик карта орқали қабул қилиш рад этилган.

Пластик қарточкалар жорий этишда бундай талаб қайсидир маънода ўзини оқлаган бўлиши мумкин, лекин ҳозир, пластик қарточкалар ҳамма жойда муомалада бўлган бир пайтда эскириб қолган бу талаб унчалик тушунарли ҳам эмас. Агар буйруқни эълон қилишда пластик қарточкаларимиздан бошқалар фойдаланишидан ҳимоя қилишга ҳаркат қилинган бўлса, айтиш мумкинки, мисол учун, ўғирликларга қарши курашишда ҳар бир хонадонга ёки фуқарога милиционер бириктириб қўйиш имкони йўқ.

Тўртинчидан, савдо қоидаларининг бузилиши ва истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя қилинмаслиги:

➤ истеъмол товарларини банк қарточкалар воситасида сотишда баҳони ошириш ҳолатлари аниқланган. Масалан, маълум бир товар белгиланган нархидан 1,5 баравар қимматга сотилган.

➤ айрим тижорат корхоналари томонидан хизматлар учун тўловларни банк карталари билан қабул қилишни рад этиш ҳолатларига йўл қўйилган. Масалан, шахримиздаги кўплаб ресторанларда бирон-бир банкет

ўтказишда уларнинг хизматлари учун тўлиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоб қабул қилинмаган.

Бешинчидан, фойдаланилаётган асбоб-ускуналарнинг техник имкониятлари чекланган:

➤ банк карталари процесси тизимида кам бўлса-да, бошқа банкларнинг терминаллари айрим тижорат банкларининг тўлов карталарини қабул қилишга имкон бермайдиган ҳолатлар кузатишган;

➤ айрим тижорат банклари томонидан жорий қилинган пластик карталардан фойдаланувчилар учун чекловлар мавжуд. Масалан, ТИФ Миллий банки карта эгаси ундан 33 кун давомида фойдаланмаган ҳолатда пластик карточка автоматик равишда блокировка қилинади ва фақат банк офисларида карточка эгасининг шахсан ташрифи асосида фаоллаштирилади, бу эса тўловчилар учун ортиқча ноқулайликлар яратади;

➤ белгиланган миқдордан ёки транзакциялар сонидан ортиқ операциялар амалга оширишда қийинчиликлар вужудга келади. Масалан, 200 тагача транзакция ўтказиш учун лимит белгиланган, шундан сўнг терминал эгаси унга хизмат кўрсатувчи банкка ташриф буюришга мажбур бўлади.

Пластик карточкалар барча турдаги тўловларни амалга ошириш ва пул сақлашнинг жуда қулай ва самарали усулидир. Айниқса, қимматбаҳо буюмларни харид қилишда катта миқдордаги пулларни олиб юриш зарурати йўқолади. Бутун дунёда

пластик карталар айнан шунинг учун, яъни қулайлиги учун ҳам кенг тарқалган.

Ушбу бозор субъектлари, тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида, фикримизча, қуйидаги йўналишларда ишларни кучайтириш лозим:

➤ биринчидан, импорт қилинадиган асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот нархини пасайтириш, келгусида ушбу асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича таклифларни конкурсли танлаш амалиётини жорий этган ҳолда таклиф этилаётган нархларнинг юзгага келган бозор конъюнктурасига мувофиқлигига эришиш; маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга мос келувчи солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этган терминал, банкомат ва ахборот-тўлов киосклари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш;

➤ иккинчидан, банклараро айланма учун комиссия мукофоти олиш тамойилини бирхиллаштириш, кўрсатаётган хизматлар учун тарифларни қайта кўриб чиқиш, тижорат банкларининг тадбиркорларга банк карталари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда нақд пул бериш учун олиннадиган комиссия йиғимларини бекор қилиш;

➤ учинчидан, пластик карточкалардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг жорий этилиши аҳоли турмушини янада яхшилашга кенг имкониятлар яратади.

Тадқ. М. Мўминова

Тижорат банкларида актив операцияларни бошқариш самарадорлигини ошириш

Мамлакатимизда банк тизимининг барқарор ривожланишида рискдан ҳимояланиш ва даромад келтирувчи активларни кўпайтиришда банк тизими бошқарувини тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Президентимиз И. Каримов “2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди”, деб таъкидладилар[1]. Бу эса, ўз навбатида, ҳозирги кунда банкларимизга бўлган ишонч тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, мамлакатимиз

банкларида актив операцияларни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Активларни бошқаришнинг самарали механизмини яратиш учун назарий пойдеворга эга бўлиш лозим. Ҳозирги кунда тижорат банкларининг умумий активлари 2005 йилга нисбатан қарийб 21,9 трлн. сўмга ёки 4,9 баробарга ошиб, 27,5 трлн. сўмга етди (1-расм).

Банк маҳсулотларига таянган ҳолда актив таркибидаги ресурсларни тубдақ ўзгартириш механизмини банк активларини иқтисодий жараёнида икки томонлама тавсифлаш керак, деб ҳисоблаймиз.